

Рахимова Нодира Баходиржон қизи,
Андижон давлат университети Ижтимоий-
иқтисодиёт факультети "Умумий психология"
кафедраси ўқитувчиси

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ ТАФАККУР ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

УЎК: 159.9

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2024_ISSUE_8_6](https://doi.org/10.34920/so/vol_2024_issue_8_6)

РАХИМОВА Н.Б.-Қ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ ТАФАККУР ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Ушбу мақолада педагогик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ўқитувчининг касбий тафаккури - бу ўқув жараёнининг мақсадлари билан боғлиқ бўлган тафаккур жараёнлари, ўзига хос сифат хусусиятлари ва омилларига эга бўлган имкониятларнинг тузилиши, мазмуни ва амалда ўзига хослиги, педагогик тафаккурни касбий тафаккур тури сифати ҳақида чет эл педагогларнинг фикрлар ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: педагог, фикр, таълим, ривожланиш, фаолият, ғоялар, қобилият, ҳодиса, вазият, мазмун, хусусият.

РАХИМОВА Н.Б.-К. ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ

В данной статье профессиональное мышление учителя, направленное на решение педагогических задач - это мыслительные процессы, связанные с целями образовательного процесса, структурой, содержанием и практичностью возможностей с конкретными качественными характеристиками, мнения зарубежных педагогов о качестве педагогического мышления. и тип профессионального мышления.

Ключевые слова и фразы: педагог, идея, образование, развитие, деятельность, идеи, способности, событие, ситуация, содержание, особенность.

RAKHIMOVA N.B.-K. THEORETICAL ANALYSIS OF PSYCHOLOGICAL FACTORS OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL THINKING IN FUTURE TEACHERS

In this article, the teacher's professional thinking aimed at solving pedagogical problems is the thinking processes related to the goals of the educational process, the structure, content and practicality of opportunities with specific quality characteristics, the opinions of foreign pedagogues about the quality of pedagogical thinking and the type of professional thinking.

Key words and concepts: pedagogue, idea, education, development, activity, ideas, ability, event, situation, content, feature.

Мавзунинг долзарблиги. Сўнгги йилларда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида ўқувчи ва бўлажак педагогларда касбий тафаккури ва креативлик сифатларини шакллантириш масаласига алоҳида, жиддий эътибор қаратилмоқда. Таълим тизимини бошқариш органлари ҳар йили таълим муассасаларида юқори самарадорликка эришишга эътибор қаратади. Ана шу мақсадда ўқув дастурини ишлаб чиқилади, янги ўқув дарсликлари яратилади. Бу эса ҳам бўлажак педагоглар, ҳам ўқитувчиларни касбий ўсишларига ёрдам беради. Олиб бориладиган амалий ҳаракатлар бўлажак педагогларда ютуқларга эришиш, олға интилишга бўлган эҳтиёжни муайян даражада юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш қобилиятларини бир қадар ривожлантиришга ёрдам беради.

Бироқ, ўқув йилининг охирида келиб бўлажак педагогларнинг фанларни ўзлаштиришларида юқори даражадаги ижобий натижалар кузатилмаяпти. Кўплаб бўлажак педагогларнинг таълим олишга нисбатан қизиқиши йўқолган. Бунинг натижасида ўқитувчилар ҳам аввалгидек завқу-шавқ билан касбий фаолиятни ташкил этишни ўйлашмаяпти. Таълим тизимини бошқарувчи органлар таълим олишга нисбатан хоҳиш-истаги бўлмаган бўлажак педагоглар, бу каби таълим олувчиларни ўқитишни истамаётган ўқитувчилар фаолиятини ўзгартириш бора-сида янгидан-янги чора-тадбирлар белгилансада, аҳвол ўзгаришсиз қолмоқда.

Изланишнинг мақсади. бўлажак ўқитувчиларда касбий тафаккур шаклланиши ва ривожланишининг психологик омилларини бир қатор хорижий тадқиқотчи олимларни фикрлари асосида назарий таҳлили қилиш илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Асосий қисм. Маълумки, мутахассисларни таълим учун психологик ва педагогик тайёрлашнинг асосий вазифаларидан бири бу таҳлил, акс эттириш, прогноз ва ўзлаштириш жараёнларининг юқори даражада ривожланишини ўз ичига олган амалий турдаги касбий педагогик тафаккурни шакллантиришдан иборатдир.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиб қуйидаги бўлажак ўқитувчиларда тафаккур ва креативлик таркибий компонент-

ларини ажраш имкони берадиган фикрларни хавола этдик: жумладан, рус педагоглари Ю.Н.Кулюткин ва Г.С.Сухобская томонидан олиб борилган педагогик тафаккурни ўрганиш ва шакллантириш билан боғлиқ турли хил муаммоларни ҳал қилишга қўшган ҳиссасини алоҳида қайд этиш мумкин¹. Улар ўқитувчи тафаккурини педагогик фаолиятнинг муайян вазиятларида педагогик ғоялардан фойдаланиш «қобилияти» ва маълум бир ҳодисаларда унинг умумий педагогик моҳиятини «кўриш» қобилияти деб таърифладилар. Тафаккур уларнинг фикрига кўра, мақсадларни тушуниш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш каби ўқитувчи фаолиятининг барча даражалари ва босқичларида муҳим аҳамият касб этади. Ўрганилаётган муаммони ҳал қилишда уларнинг ҳиссаларининг қиймати педагогик тафаккурнинг моҳиятини аниқлаш учун қуйидаги муҳим тушунчаларни психологик муомалага киритишдан иборат: муаммоларни ҳал қилишдаги «мақсадлар иерархияси», «тафаккур жараёнининг иерархияси». Шу билан бирга, улар педагогик мақсад ва вазифалар таксономияси бўйича янги ёндашувларни аниқлайдилар.

Бундай умумэтироф этилган ёндашув асосида педагогик тафаккурни касбий тафаккур тури сифатида тушуниш мумкин, бу субъектга педагогик вазиятнинг моҳиятини ўрганишга ва унинг мақсадли ўзгариши учун педагогик ҳаракатларини ташкил этишга имкон беради. Бироқ, педагогик тафаккур моҳиятини тушуниш учун бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Жумладан, В.Э.Тамарин ва Д.С.Яковлева педагогик тафаккурни умумий шаклда, ўзига хос йўналиши бўлиб, таълим фаолиятининг моҳиятига мос келадиган махсус онг сифатида белгилайдилар². Бундай ҳолда, ўқитувчининг касбий тафаккурнинг умумий тури фаолиятнинг фақат битта соҳасига тўғри келиши мумкин. Педагогик тафаккур бўйича ҳар бир янги таъриф билан киритилган семантик ғоялар ўқитувчи касбий тафаккурининг моҳиятини

¹ Кулюткина Ю.Н., Сухобской Г.С. Мышление учителя: Личностные механизмы и понятийный аппарат. - М.: Педагогика, 1990. - 104 с.

² Тамарин В.Э., Яковлева Д.С. . Ознакомление студентов с методами исследовательской деятельности. - Москва: 1993. - № 6. - 365 с.

тўлиқ ёритиш ва чуқурроқ тушунишга имкон беради.

Юқоридагиларга асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, педагогик адабиётларда педагогик тафаккурнинг тўда ва аниқ таърифи ҳозирча мавжуд эмас. Гарчи баъзи tadқиқотчилар педагогик тафаккурни педагогик фаолиятни белгилайдиган педагогик ҳаракатларнинг назарий ҳаракатлари деб билсалар ҳам (В.А.Сластенин, Я.С.Турбовский); педагогик фаолиятнинг эпистимологик томони сифатида (О.А.Абдуллина, А.И.Пискунов); педагогик назарияга таяниб, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш қобилияти сифатида (Л.Ф.Спирин, М.А.Степинский, М.Л.Фрумкин, Э.Н.Поляков); дунёнинг педагогик «қарашлари» ҳақида гапиришга имкон берадиган бир қатор хусусиятлар, фазилатлар ва хусусиятларга эга бўлган махсус онг сифатида (В.Э.Тамарин, Д.С.Яковлева); Э.П.Нечитайлова шунга яқин нуқтаи назарни ўртага ташлайди: «педагогик жараённинг тизимли кўриниши»; Л.В.Никитенкова педагогик тафаккурни ўқитувчининг турли хил педагогик вазиятларни ҳал қилишга тайёрлиги сифатида тавсифлайди. Л.П.Маслова педагогик тафаккур деганда педагогика, психология ва методологиянинг назарий қоидаларини муайян педагогик вазиятларга қўллаш қобилияти билан бир қаторда унинг умумий педагогик моҳиятини маълум бир ҳодисада «кўриш» қобилиятидир деб, кўрсатади.

Е.К.Осипованинг педагогик тафаккурини кўриб чиқиши кишида алоҳида қизиқиш уйғотади, у етарли даражада ташкил этилган педагогик жараённинг натижаси деб ҳисоблайди. Бироқ, у тақдим этган назарий позициядан фарқли ўлароқ, педагогик тафаккур натижа эмас, балки ўқув жараёнини муваффақиятли ташкил этишнинг сабабларидан бири эканлиги ҳақидаги қарашлари бўйича бир қатор баҳсталаб ҳолатлар келиб чиқади. Шунингдек, у ўқитувчининг педагогик тафаккурини ҳар қандай амалий тафаккурга хос бўлган хусусиятлар (амалга ошириш ва амалга оширишдан ажралмаслик, ўзаро таъсир қилувчи тизимни билиш, самарадорлик ва бошқалар) ва унга хос хусусиятлар мажмуи сифатида муаммолилиқ, рефлексивлик, мураккаблиқ, конкретлик, конструктивлик, мустақиллик, танқидийлик, касбий компетен-

ция, тафаккурнинг индивидуаллиги кабиларни кўриб чиқишни тақлиф этади¹.

Педагогик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ўқитувчининг касбий тафаккури - бу ўқув жараёнининг мақсадлари билан боғлиқ бўлган тафаккур жараёнларининг иерархик занжири бўлиб, ўзига хос сифат хусусиятларига эга бўлган имкониятларнинг тузилиши, мазмуни (махсус билимлар синтези) ва амалда (интеграл интеллектуал кўникмалар тўплами) ўзига хослиги билан ажралиб турадиган жараёндир (меҳнат объекти воситачилиги, муаммо, конструктивлик, конкретлик ва бошқалар)².

Ўқитувчи касбий тафаккурининг умумлаштирилган модели эса - мактаб ўқув жараёнининг махсус белгиланган мақсадларига эришиш мантиғига бўйсунадиган параллел равишда тури хусусиятларни ифодаладиган, иерархик тафаккур жараёнлари занжирларининг мажмуидир³. Ўқитувчи педагогик тафаккурининг ушбу моделдан tadқиқот воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган касбий тафаккурнинг шаклланганлик даражасини белгилувчи янги ўлчови-профессионаллик коэффициент жорий этилади⁴. Унга кўра, «муваффақиятли» субъектлар вакиллик баёнотлари тилида далил келтирадилар, «муваффақиятсиз» эса кўпроқ ҳиссий таассуротларга асосланади.

Е.К.Осипованинг фикрича, ўқитувчи ақлий фаолиятининг ишчи моделларини яратиш қуйидаги таркибий қисмларнинг тавсифига асосланади:

- 1) ўқитувчилар томонидан ҳал қилинадиган касбий ва педагогик вазифалар тўпламини аниқлаштириш;
- 2) педагогик муаммоларни ҳал қилиш жараёнларини (босқичларини) тавсифлаш;
- 3) муаммони аниқлашга йўналтирилган тафаккур асослари - билимларнинг таркиби;

¹ Осипова Е.К. Формирование педагогической направленности мышления будущего учителя. – Могилев: 1995. 163 с.

² Кузьмина Н.В. Очерки психологии труда учителя. - Л.: 1997. 182 с.

³ Кузьмина Н.В. и др. Основы вузовской педагогики. - Л.: 1992. 311 с.

⁴ Матюшкин А. М. Психологическая структура, динамика и развитие познавательной активности // Вопросы психологии, 1982. № 4. С. 5-18.

4) амалий-самарали тафаккур фонди бўйича кўникмалар тўпламининг шаклланиш даражасини тавсифлаш;

5) педагогик муаммоларни ҳал қилиш усуллари аниқлаш.

Е.К.Осипова ёндашувига кўра, кўп ҳолларда тадқиқот усулларида фойдаланганда вазиятларнинг табиийлигини сақлаб қолиш истаги, тафаккурни ўрганишнинг амалий фаолиятдан ажралмаслиги муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқилган ушбу моделнинг қимматли жиҳатларини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, Е.К.Осипова индивидуал ақлий операцияларни ва уларни амалга ошириш усуллари ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Тадқиқотчи Е.К.Осипова касбий тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида махсус психологик, педагогик, услубий ва бошқа билимлардан фойдаланиш каби касбий компетенцияни киритади.

Бизнинг фикримизча, «касбий компетенция» тушунчаси педагогик тафаккурни ўз ичига оладиган кенгроқ тушунчадир. Бундан ташқари, Е.К.Осипова вазифаларни тақдим этишнинг методологияси ва шаклини тавсифлаб, муаммоли вазият, зарур ўқув материаллари, манба маълумотларининг алоҳида тўпламига эга топшириқлар шаклида берилишини таъкидлайди. Қолганлари мустақил равишда топилиши керак деган фикрни илгари суради.

Бизнинг фикримизча, бу муаммоли вазиятни «ҳал қилиш» имкониятини оширмайди, чунки унинг пайдо бўлиши индивидуалдир. Агар бу субъектив ҳолат бўлса, унда унинг пайдо бўлиши турли омиллар билан белгиланади ва ҳал қилиш усуллари белгиланади. Бироқ, Е.К.Осипова педагогик тафаккурнинг психологик моҳиятини ушбу тушунчага асослаиб, муаммоли вазиятларнинг матнли моделларини ўрганиш ва уларга мувофиқ вазифаларни шакллантириш тажрибасини ташкил этиш орқали асослашга ҳаракат қилади.

Ечимнинг бошланғич механизми, унинг фикрига кўра, нафақат муаммонинг талаблари, балки ўқув моделлари билан ҳам

ёқилиши керак¹. Менинг фикримча, бундай бир томонлама ёндашув ички стимуляцияни, биринчи навбатда, профессионал тафаккурнинг ўзига хос мотивациясини тушунишни торайтиради.

Юқоридаги барча муаллифлар педагогик тафаккурни кўриб чиқишда уни тўғридан-тўғри педагогик фаолият билан боғлашларига қарамай, улар у ёки бу соҳада етарлича тўлиқ ва чуқур очиб берилмасдан, ўқитувчи фаолияти объектининг моҳияти ҳисобга олинади. Яъни, педагогик тафаккур учун фаолият объекти бўлган ўқитувчидан махсус, яъни биттагина кўриш қобилияти етарли бўлади деб, таъкидланади. Табиийки, бунинг учун фақат педагогик «қараш» га эга бўлиш ёки педагогик вазиятларни таҳлил қила олиш етарли бўлмайди. Шубҳасиз, бундай кўникмалар педагогик тафаккурнинг шаклланганлик мезонлари бўлиб хизмат қилиши мумкин, аммо уни тўла белгилаб бермайди.

С.Т.Каргиннинг сўзларига кўра, педагогик тафаккур объекти ўқитувчи фаолиятининг объекти ҳисобланмиш педагогик жараён-дир. У ўқитувчи касбий тафаккурининг мазмунини, педагогик ҳодисалар ва улар ўртасидаги алоқаларни шакллантиради, бу эса ўқитувчига педагогик воқеликни бир бутун қисм ва унинг умумий бирлиги нима эканлигини тушуниб олишга ёрдам беради. Бу ўз навбатида, муаллифга педагогик тафаккур - педагогик ҳодисаларнинг моҳиятига кириб боришига, ўқитувчи фаолияти объектининг хусусиятларини акс эттирувчи тафаккур жараёнларининг йўналиши сифатида ҳисоблашга имконият берди².

Аммо, педагогик тафаккурни бундай тушуниш ўқитувчидан педагогик воқеликни тизимли кўришни, педагогик ҳодисаларни тушунишга «тайёрликни» талаб қилади. Бироқ, профессионал қараш ва тушуниш ўқитувчи учун биринчи навбатда сабаб-оқибат муносабатларини ўрнатиш учун зарур ҳисобланади ва ўз соҳасидаги мутахассис учун унинг ҳаракатлари натижаларини олдиндан башо-

¹ Осипова Е.К. Формирование педагогической направленности мышления будущего учителя. – Могилев: 1995. 163 с.

² Каргин С.Т. Сущность понятия «педагогическое мышление» // Реформа ... Технология работы психолога с учителем. – М.: ТЦ «Сфера», 2000. 192 с. 135 ...

рат қилиш яъни, моделлаштириш имкониятини яратади.

Бинобарин, касбий педагогик тафаккур, биринчи навбатда, амалда самарали ва оғзаки-дискурсив шаклда амалга оширилади. Иккинчидан, у социономик йўналиш касби эгалари тафаккурининг барча умумий хусусиятлари билан бевосита боғлиқ ва фан, санъат ва ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларида намоёиш этилади. Учинчидан, унинг моҳияти ўқитувчининг педагогик воқеликка оқилона муносабатидан иборат бўлиб, қийин педагогик вазиятни мақбул ҳал қилишда қўл келади. Бу, ўқитувчининг ташқи ва ички, муҳим ва номуҳим нарсаларни аниқлаш қобилиятини долзарблаштиради ва бу эса педагогик таъсир субъектининг ташқи кўриниши уларнинг ички моҳиятини англаб етмаслигини келтириб чиқаради.

Ю.Н.Кулюткин позицияси бўйича, ўқитувчи тафаккури фақат амалий фаолият ҳисобланади, чунки ўқитувчи қонунларни кашф этмайди, фақат ўзининг амалий фаолиятида аллақачон маълум бўлган қонунларни қўллайди дейилади ҳамда педагогик тафаккур ўқитувчининг амалга ошириладиган педагогик фаолият қонуниятларини тушуниш истиқболли белгилаб бериши мумкин¹. Ўқитувчи касбий тафаккурининг мазмуни педагогик ҳодисаларнинг моҳиятини билиш ва педагогик муаммоли вазиятни ҳал қилиш натижасида ўқитувчи ўзи учун шакллантирадиган касбий ва педагогик муаммоларни ижодий ҳал қилишдан иборат. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг касбий тафаккури педагогик муаммоли вазиятни ижобий қайта тиклашда энг аниқ намоён бўлади. Айнан шу нарса ўқитувчининг педагогик вазиятларни таҳлил қилиши, умумлаштириши ва ўзгартириши каби ҳолатларга мос келадиган педагогик таъсир воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш, қарор қабул қилиш, ўқувчиларга ва умуман ўқув жараёнига педагогик таъсирнинг янги воситаларини ижодий равишда яратиш бўлажак ўқитувчилардан педагогик қобилиятини ривожлантириш кераклиги тақозо қилади.

Касбий педагогик тафаккур хусусиятлари ўқитувчи ақлий ўлчовини ва интеллектуал стресс қийматини ҳамда уларнинг касбий фаолият учун фойдалилиги ва зарарлилик даражасини белгилайди. Б.Г.Ананьевнинг фикрича², инсон тараққиёти потенциалининг умумий мажмуасида ақлий жараёнда алоҳида ўрин тутади. Унинг шогирдлари ва издошларининг асарларида ўқитувчининг ақлидрокини сақлаш ва такомиллаштириш, тажриба тўплаш билан бирга педагогик меҳнат самарадорлигини оширишга ёрдам бериши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш зарурати ўқитувчини педагогик фаолиятда нима бўлаётганини тушунишга ундайди. Бу ўқитувчи тафаккурини профессионал деб тавсифловчи педагогик ҳақиқатни ифодалайди. Бу билимларни ўзгартириш ва синтез қилиш, ечимларнинг конструктив схемаларини, педагогик ҳодисаларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш имконини беради. Ю.Н.Кулюткин, Г.С.Сухобскаяларнинг таъкидлашларича³, ўқитувчининг етарлича ривожланган педагогик тафаккури муайян вазиятларда педагогик ғоялардан фойдаланиш қобилияти, маълум бир ҳодисада унинг умумий педагогик моҳиятини кўриш қобилияти сифатида ифодаланади.

Умуман олганда, ўқитувчи тафаккурининг функционал томони педагогик жараёни таъминлашга хизмат қилади ва қуйидаги хусусиятлар билан характерланади:

- 1) диагностика: ўқувчиларни ўрганиш, педагогик вазиятни билиш ва баҳолаш, бажарилган касбий фаолиятга нисбатан фикрмулоҳазаларнинг шаклланишига олиб келади;
- 2) рағбатлантирувчи: ўзларининг педагогик ҳаракатлари орқали ўқувчиларни интеллектуал ташаббус кўрсатишга ундайди;
- 3) информацион: ўқувчиларига маълум бир ёш учун долзарб бўлган муаммолар ва уларни ҳал қилиш усуллари тўғрисида маълумот беради;
- 4) ривожланиш: ўқувчи шахсининг етакчи ижтимоий-фойдали ва ўқув-когнитив фази-

² Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. - М.: 1997, Наука. 158-159 с.

³ Кулюткин Ю.Н., Сухобской Г.С. Моделирование педагогических ситуаций. - М., 1991. 205 с.

¹ Кулюткин Ю.Н., Сухобской Г.С. Моделирование педагогических ситуаций. - М.: 1991. 120 с..

латларини шакллантириш воситаларини тушуниш имконини беради;

5) компенсацион: муваффақият тоифаларида тафаккур қобилияти: ижобий тафаккур, муваффақиятсизликдан ижобий жиҳатларни кўриш қобилияти, ўқитувчига кўплаб салбий омилларга қарамай, замонавий педагогик муаммоларни ҳал қилишнинг янги воситаларини излашга ёрдам беради ва у ҳиссий фаровонликни таъминлашга хизмат қилади, ўқитувчини объектив равишда ноқулай аҳволда маъмурият, назоратчилар томонидан унга қўйилган талаб ва даъволардан психологик ҳимоя қилади;

6) баҳолаш: баҳолаш ўқувчиларга ўз имкониятларининг турли ҳаракатлари самарадорлиги даражаси тўғрисида хабар беради;

7) ўз-ўзини такомиллаштириш: ўқитувчининг касбий тафаккури импульсив ёки мунтазам педагогик фаолиятдан қочиш имкониятини яратади ва таъминлайди. Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш ўқитувчига педагогик вазиятни тўғри ҳал қилишига имконият беради. Ўз-ўзини баҳолаш унга педагогик муаммоли вазиятнинг ядросини ташкил этувчи асосий қарама-қаршилиқнинг рухсат этилган ёки рухсат этилмаганлигини (ва қай даражада) аниқлашга имкон беради. Натижада ўқитувчининг ривожланган касбий тафаккури касбий фаолиятда ёмон ишлашининг олдини олишга ёрдам беради.

Тафаккурнинг функционал томони ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш усуллари ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилиш билан тавсифланади (педагогик таъсир воситаларининг мазмунини излаш, топиш ва танлашда намоён бўлади). Шунингдек, бу борада диагностика ва трансформация каби иккита асосий функцияни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу иккала функция ҳам педагогик фаолият тизимидан иборат бўлган аниқ вазиятлар контекстида амалга оширилади. Ва ҳар қандай қийин вазиятнинг энг характерли хусусияти мақсад ва унга тўғридан-тўғри эришиш имконияти ўртасидаги баъзи номувофиқликларни (ички қарама-қаршилиқ) бартараф этиш имконияти пайдо бўлади. Бу улар ўртасидаги зиддиятли муносабатларда эмас, балки «мақсадга - эришиш имконияти» тизимидаги мутлақо табиий ва объектив номувофиқликни бартараф этишга ёрдам беради.

Мақсад - тўғридан-тўғри белгиланмайди ва уни ўқитувчининг ўзи шакллантиради. Мақсад - бу ҳали эришилмаган кутилган натижа ва бунинг учун маълум қийинчиликлар юзага келадиган педагогик ҳақиқатни тан олиш ҳамдир. Ушбу муаммони бартараф этиш (ўқитувчи томонидан онгли равишда номувофиқлик) ўқитувчининг маълум бир педагогик муаммони ҳал қилиш жараёни орқали яқунланади. Бунинг асосий бирлиги, иккала воқелиқнинг энг элементар ва шу билан бирга энг муҳим хусусиятлари ва функцияларини (объектив ва субъектив) сақлаб қолиш жараёни сифатида кўриб чиқадиган муаммо: когнитив йўналиш, таркибий яхлитлик, ишлаш даражасини ривожлантириш ва ўзгартириш қобилияти (ситуацион ва супраситуатив), педагогик билимни ошириш, ўзгартириш қобилияти сифатида ифодаланади. Табиийки, муаммони ўқитувчи касбий тафаккурини таҳлил қилиш бирлиги сифатида ўрганиш профессионал педагогик тафаккурнинг энг муҳим хусусиятлари ва функцияларини аниқлаш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Шунингдек, педагогик вазиятни тушуниш диагностик аҳамиятга эга бўлган белгиларни аниқлаш билан ҳам бевосита боғлиқдир. Хусусан, таҳлил қилинган ҳар бир вазиятда ўқитувчи аниқ нимани таъкидлайди? Диагностик белгиларни аниқлаш тартиби қандай? Биринчи навбатда нима аниқланади, иккинчисида нима ва умуман нима ҳисобга олиниши ва олинмаслиги бу ўқитувчи учун муҳимми? Шахсий ва гуруҳий педагогик ечимлар жараёнида диагностика хусусиятларни аниқлашда қандай фарқлар мавжуд? Ўқитувчи томонидан ажратилган хусусиятларнинг сифати педагогик вазиятни ҳал қилиш жараёнининг муваффақиятига қай даражада таъсир қилади? шу каби бошқа шунга ўхшаш масалаларни кўриб чиқиш педагогик тафаккурнинг диагностик функцияси ҳақида тасаввурга эга бўлишни тақозо қилади.

Ўқитувчи-педагоглар кўпинча ўзларининг таълим олувчиларга яқинлик даражасини ва уларга ўзларининг таъсир ўлчовларини ортиқча баҳолайдилар. Бундан ташқари, педагогик фаолият объект субъектини ўрганиш, уни муносабатлар тизимида, ўқитувчининг ўзи томонидан киритилган вазиятнинг ривож-

ланиш динамикасида қабул қилиниши муаммоли вазиятнинг мураккаблашувига олиб келади. Шунга кўра, ўқувчини педагогик таъсирга эришиш учун диагностика қилиш муаммоси долзарблигича қолади.

Диагностика муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш учун қуйидагилар талаб қилинади:

а) муаммонинг пайдо бўлишини кўрсатадиган ҳодисаларни етарли ва ўз вақтида аниқлаш;

б) уни ҳал қилиш учун муҳим бўлган объектив ва субъектив шароитларни ҳисобга олиш (мавжуд ва педагогик жараённинг олдинги босқичларида содир бўлган);

в) ушбу шартларнинг умумийлигини ва уларнинг орқасида яширинган ҳодисаларни аниқлаш, педагогик фаолиятдаги номувофиқликлар сабабларини аниқлаш муаммони ҳал қилиш учун муҳим бўлган ушбу шартлар ва ҳодисаларни таҳлил қилиб, ўқитувчи маълум бир педагогик ташхис қўйиш учун асос бўлган муҳим хусусиятларни ажратиб кўрсатиш.

«Педагогик ташхис» қўйиш қобилиятини ўзлаштирган ҳолда, ўқитувчи онгли равишда ўқувчиларнинг ақлий ривожланишидаги камчилик сабабларини аниқлашга интилади, салбий кўринишларнинг энг типик кўрсаткичларини, шу жумладан ўз кўрсаткичларини қайд этади, индивидуал ёндашиши орқали ижобий хусусиятларни қидиради ва болани яхлит ақлий таълим сифатида қабул қилишни ўрганади.

Билимларни ўзлаштириш натижаси сифатида пайдо бўлган педагогик қийинчиликларнинг сабабларини тушуниш ўқитувчини уларни енгиш усулларини излаб топишга йўналтиради. Бу масалада кўп учрайдиган тушунишнинг асосий камчиликларидан бири бу қарама-қаршиликка нисбатан бепарқлик ҳисобланади.

Педагогик фаолият бўйича Л.М.Митина, А.А.Реан ва бошқа психологларнинг қарашларидан бошқа яна қуйидаги когнитив фаолиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин¹. Ўқитувчининг ҳаракатларида: муаммони кўриш, тузатиш; муаммони шакллантириш

(муаммони шакллантириш усули уни ҳал қилиш хусусиятини белгилайди), ҳал қилинаётган муаммонинг таснифи ифодаланиши лозим. Бундай ҳаракатлар, педагогик вазиятни таҳлил қилишни ўз ичига олади, вазият элементлари ва уларнинг долзарб аҳамияти ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатлари ҳамда муносабатларни ўрнатишни, тасодифийлик даражасини тан олиш-вазиятнинг пайдо бўлиш қонуниятларини, ҳал қилинаётган вазиятда аллақачон аниқланган муносабатни ақлий шаклда моделлаштиришга шарт-шароит яратади. Бундай моделни тан олинadиган ва ҳал қилинадиган вазият шароитларининг ўзига хос умумий (муҳим) муносабати деб аташ мумкин. Махсус педагогик ҳаракат унда таъкидланган умумий муносабатларнинг хусусиятларини синчковлик билан ўрганиш учун моделнинг ўзини ўзгартиришни тақозо қилади. Айнан шундай ҳолат педагогик тафаккурнинг трансформацион функцияси сифатида ифодаланади.

Амалий фаолият контекстида ўқитувчининг касбий тафаккур функциялари, биринчи навбатда, аниқ педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, ушбу фаолият шароитида вазифаларни белгилаб олиш, ушбу муаммоларни ҳал қилиш режалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мавжуд режаларни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш, олинган натижаларни акс эттириш функциялари сифатида намоён бўлади. Шунга кўра, келиб чиқиши бўйича ўқитувчининг касбий тафаккури мураккаб педагогик вазиятни билиш ва ўзгартириш асосида юзага келадиган ақлий ҳаракатлари тизимидир. Шаклда ўзгариб турадиган бундай ҳаракатлар ўқитувчи амалий тафаккурининг мазмунли ва муҳим хусусиятлари ва функцияларини ифодалайди.

Б.М.Тепловнинг қайд этишича, педагогнинг амалий тафаккурига амалий онгнинг фазилатларига, амалий тафаккурга қўйиладиган бир қатор ўзига хос талаблар қўйилади: унинг мослашувчанлиги ва танқидийлиги, тезлиги ва эҳтиёткорлиги² амалий онгнинг фазилатлари қандай қилиб ўзига хос диалектик алоқада эканлигини белгилайди. Деган фикрлари билан аҳамиятга моликдир.

¹ Митина Л.М., Реан А.А. Психология труда и профессионального развития учителя. - М.: Академия, 2004.

² Теплов Б.М. Проблемы индивидуальных различий. - Москва: 2006...320. 6

Шундай қилиб, тафаккурнинг мослашувчанлиги, яъни. мавжуд шароитларга қараб фаолият усуллари эркин ва тез ўзгартириш қобилияти ўқитувчи томонидан қабул қилинган ва амалда қўлланиладиган қарорларни қатъий ҳимоя қилиш қобилияти билан бирлаштирилиши лозим бўлади, акс ҳолда у уларнинг ҳеч бирини охирига етказиб бўлмайди. Шунинг учун ўзига хос педагогик импровизация шаклида ҳаракат қиладиган қарорларни қабул қилиш тезлиги ўқитувчи тафаккурини доимий равишда такомиллаштиришни тақозо қилади. Бунда ўқитувчи қарор қабул қилиш учун фойдаланадиган асосларни таҳлил қилишга асосий эътибор қаратилади. Агар бундай ўз-ўзига қаратилган фаолият ўқитувчининг бутун иш ҳаётини қамраб олса, у ҳолда бу унинг ижодий ривожланишининг доимий кафолати бўлиб, касбий ривожланиш даражасини белгилаши мумкин.

Инсоннинг умумий маданияти, унинг касбий маҳорати билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланиш даражаси билан аниқланади, деб таъкидлайди В.Д.Шадриков¹. Аммо бу инсоннинг касбий маҳоратини тўлалигича ифодаламайди. Бунинг учун унинг амалий тафаккурда ўзини намоён қиладиган ижодкорлик кўринишидаги таркибий қисми зарур бўлади. Ўқитувчининг амалий тафаккури баъзида дисфункционал таркиб билан тўйинган муайян, яхлит индивидуал-ўзига хос вазиятлар шароитида амалга оширилади.

Амалий тафаккурнинг вазифаси фаолиятнинг муайян вазиятларига умумий турдаги билимларни етарли даражада қўллашдир. Бундай вазиятларнинг мураккаблиги, уларнинг ўзгарувчанлиги, номувофиқлиги, шунингдек дарҳол қарор қабул қилиш ва амалга ошириш зарурати - буларнинг барчаси профессионал-амалиёт тафаккурининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Бундай тафаккур инсоннинг объектив дунё билан ўзаро таъсир жараёнига ва уни етарли даражада амалга оширишга хизмат қилади ва билиш, тафаккур жараёнининг ўзи-бу билувчи, фикрловчи субъектнинг тан олинган ва ўзгартирилган объект-субъект билан ҳал

қилинаётган муаммонинг объектив мазмуни билан характерланади.

Ўқувчида ижобий ўзгаришлар учун зарур шарт-шароитларни яратиш орқали ўқитувчи ўзини ўзгартириши мумкин. Трансформация жараёни инсонни касбий фаолият шароитида юзага келадиган муаммолар ёки муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари тўғрисида янгича қарашга имкон беради ва педагогик муаммони ҳал қилишда мураккаб, объектив мавжуд вазиятни таҳлил қилишдан бошлашга имкон беради. Касбий вазифаларини бажариш жараёнида ўқувчининг нотўғри хатти-ҳаракатларига дуч келганда, ўқитувчи ҳиссий ва интеллектуал қийинчиликларни бошдан кечиради, бу кўпинча низоли ва ҳалокатли вазиятларнинг пайдо бўлишига олиб келади яъни, ўқитувчи ўзининг функционал вазифаларини бажара олмайдиган вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай вазиятни таҳлил қилиш синтез билан яқунланади ва ўқитувчи педагогик муаммони муваффақиятли ҳал қилиш учун зарур бўлган профессионал ҳаракатларнинг энг мақбул кетма-кетлиги тўғрисида когнитив схемани яратиши лозим бўлади. Вазиятни етарли даражада ташкил этилган ҳолда таҳлил қилиш педагогик ҳодисанинг ўзига эмас, балки уни келтириб чиқарувчи сабабларга йўналтирилиши керак ва бунда импульсив ҳаракатларга изн берилмаслиги лозим. Бундай вазиятларда тахмин қилинган педагогик таъсирларнинг мумкин бўлган оқибатларини ҳисобга олиш янада муҳимдир. Шунингдек, ўқитувчидан муаммоли вазиятлар келиб чиқишини олдиндан билиш ва янги ечимларни топиш қобилияти талаб қилинади. Бунда унга вазиятдан ташқарига чиқиш қобилияти катта ёрдам бериши мумкин.

Хулосалар юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчилар касбий тафаккури ва креатив фикрлашини шакллантириш ва ривожлантириш педагогик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ўқитувчининг касбий тафаккури - бу ўқув жараёнининг мақсадлари билан боғлиқ бўлган тафаккур жараёнлари, ўзига хос сифат хусусиятлари ва омилларига эга бўлган имкониятларнинг тузилиши, мазмуни ва амалда ўзига хослиги, педагогик тафаккурни касбий тафаккур тури сифати ривожлантириш кераклиги алоҳида ёритилди.

¹ Шадриков В.Д. Содержание педагогического образования. // Высшее образование сегодня. – 2011. – № 5. – С. 26–32..

Шу омилларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги **хулоса ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Бўлажак ўқитувчиларда тафаккур ва креативлик таркибий компонентларини аниқлаш.

2. Бўлажак ўқитувчиларни муаммоларни ҳал қилишдаги «мақсадлар иерархияси», «тафаккур жараёнининг иерархияси» каби муҳим жиҳатларига психологик ёндашиш.

3. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик мақсад ва вазифалар таксономияси бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш.

4. Ўқитувчилар томонидан ҳал қилинадиган касбий ва педагогик вазифалар тўпламини аниқлаштириш.

5. Педагогик муаммоларни ҳал қилиш жараёнларини (босқичларини) тавсифлаш.

6. Муаммони аниқлашга йўналтирилган тафаккур асослари билимларнинг таркиби.

7. Амалий-самарали тафаккур асоси бўйича кўникмалар тўпламининг шаклланиш даражасини тавсифлаш.

8. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик муаммоларни ҳал қилиш усулларини аниқлаш.

Шу билан боғлиқ равишда, бўлажак ўқитувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш орқали уларга таъсир этувчи ижтимоий психологик омилларини қарор топтириш, шахс фаолияти ва фаоллигини оширишга кўмаклашувчи психологик хизмат тизимининг асосий йўналишларини ва бугунги долзарб вазифаларни аниқлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Осипова Е.К. Формирование педагогической направленности мышления будущего учителя. – Могилев: 1985. 163 с.
2. Герасимова Р.И. Формирование методического мышления студентов факультета иностранных языков во время первой педагогической практики: Автореф. канд. дис. - М.: 1980. 21 с.
3. Кузьмина Н.В. Очерки психологии труда учителя. - Л.: 1967. 182 с.
4. Кузьмина Н.В. и др. Основы вузовской педагогики. - Л.: 1972. 311 с.
5. Кулюткин Ю.Н. Творческое мышление в профессиональной деятельности учителя // Вопросы психологии 1986. № 2. С. 21-30.
6. Кулюткина, Ю.Н., Сухобской Г.С. Моделирование педагогических ситуаций. - М.: 1991. 120 с.
7. Матюшкин А.М. Психологическая структура, динамика и развитие познавательной активности // Вопросы психологии. 1982. № 4. С. 5—18.
8. Каргин С.Т. Сущность понятия „педагогическое мышление“ // Реформа ... Технология работы психолога с учителем. - М.: ТЦ «Сфера», 2000. 192 с. 135 ...
9. Теплов Б.М. Проблемы индивидуальных различий. - Москва, 2006. 320 с.
10. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. - М.: 1997, Наука. 158-159.
11. Митина Л.М., Реан А.А. Психология труда и профессионального развития учителя. - М. : Академия, 2004.
12. Шадриков В.Д. Содержание педагогического образования // Высшее образование сегодня. – 2011. – № 5. – С. 26–32.